



Education and specialization of gifted students as a pedagogical problem

Nargiza SAPIEVA¹

17-Specialized school with in-depth study of individual subjects of Denau district

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2021

Received in revised form

28 February 2022

Accepted 20 March 2022

Available online

15 April 2022

ABSTRACT

This article provides information about the quality and uniqueness of the education of gifted students. It also describes the possibilities of intellectual development of a person at later stages of her life, the basis for creating a comfortable and rich developmental environment for the formation of gifted and creatively thinking children for its implementation.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp13-17>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:

talent,

mental development

potential,

creative thinking,

conformism,

originality,

specialization,

elitism and elite education.

Иқтидорли ўқувчилар тарбияси ва ихтисослашув педагогик муаммо сифатида

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада иқтидорли ўқувчилар тарбияси сифат жиҳатидан ўзига хослиги ва табиати ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, шахснинг ҳаёт йўлининг кейинги босқичларига нисбатан ақлий ривожланиш салоҳияти, уни рӯёбга чиқариш учун иқтидорли ва ижодий фикрлайдиган болаларни шакллантириш учун қулай ва бой ривожланиш муҳитини яратиш асослари баён этилган.

Калип сўзлар:

иқтидор,

ақлий ривожланиш

салоҳияти,

ижодий фикрлаш,

конформизм,

ностандарт,

ихтисослашув,

элита ва элита таълими.

¹director, 17-Specialized school with in-depth study of individual subjects of Denau district, Denau, Uzbekistan

Воспитание и специализация одаренных учащихся как педагогическая проблема

Аннотация

Ключевые слова:

талант,
потенциал умственного
развития,
творческое мышление,
конформизм,
нестандартность,
специализация,
элитарность и элитарное
образование.

В данной статье представлена информация о качестве и уникальности образования одаренных учащихся. Также описаны возможности интеллектуального развития личности на более поздних этапах ее жизни, основы создания комфортной и насыщенной развивающей среды для формирования одаренных и творчески мыслящих детей для ее реализации.

Маълумки, иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш учун зарур шароитларни яратиш турли мамлакатларда миллий элитанинг шаклланишига ёрдам беради, фан, санъат ютуқлари ва миллий иқтисодиётнинг рақобат-бардошлигини таъминлайди. Бу иқтидорни юзага чиқариш фақат алоҳида шахс учун, балки жамият ва унинг тараққиёти учун зарурдир. Ушбу энг муҳим стратегик миллий вазифанинг аҳамияти болалар иқтидорининг назарий (тушунчалари, турлари, намоён бўлиш шакллари ва бошқалар) ва амалий жиҳатларини (иқтидорли болалар билан ишлашнинг ташкилий шакллари) тадқиқ қилишни чуқурроқ ўрганишга ундейди.

Иқтидор-инсон руҳиятининг бутун ҳаёти давомида тизимили ривожланадиган психиканинг имконияти бўлиб, инсоннинг бошқаларга нисбатан ноанъанавий ва фавқулодда натижаларга эришишини таъминлайди. Иқтидор инсоннинг барча имкониятларини ва фикрлашини ҳаётнинг янги талабларини ҳал қилишга ва янги шароитларга мослашишга йўналтиради.

Истеъдодларни қидириш, намоён қилиш, таълим бериш, тарбиялаш муаммолари бутун дунё олимлари, амалиётчилари учун ҳали – ҳамон долзарблигича қолмоқда. Турли ёшдаги истеъдодли болаларни ўрганиб чиқишида етарлича кўп материал тўпланган у ёки бу ёш хусусиятлари билан истеъдод учқунларининг алоқадорлиги ҳамда ёш ўзгаришларининг кечиши ҳақидаги масалалар устида фикр юритишга ундейди.

Америкалик психолог Л. Терманнинг фикрича, “иқтидорлиларни тўғри тарбиялаш” “идеал даражадаги катталар”га айланади ва улар реал ҳаётда муваффақият қозонади [1]. Шунинг учун болаларнинг иқтидорини сақлаб қолиш педагогик муаммо бўлиб, аслида, тарбиявий муаммога айланади.

Кўплаб тадқиқотчилар шундай хуносага келдиларки, аксарият истеъдодли болалар кўплаб тенгдошларидан фарқ қилиб турувчи алоҳида хусусиятларга эга бўлишади. Иқтидорли болаларда дунёни билиш усуллари ҳар доим ҳам анъанавий таълим муҳитига мувофиқ келмайди [2]. Чунки иқтидорли болалар учун бу дунёни тушуниш уларнинг идрокида органик равишда мос келадиган одатий ҳодисадир. Иқтидорли бола конформизмга мойил бўлмаганлиги сабабли бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Баъзи иқтидорли ўқувчилар зерикарли ва такрорланадиган ўқув дастурлари ва ўқитиш усулларига қизиқиш йўқлиги сабабли мактабни билвосита ёки очик рад этадилар.

Иқтидорли ўқувчиларда, кўпинча, жисмоний, интеллектуал ва ижтимоий ривожланиш ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлиб, бу кўплаб мулоқотдаги қийинчиликларга ва бошқаларга ёқмайдиган мулоқот фазилатларининг ривожланишига сабаб бўлади ва, кўпинча, низоларга олиб келади. Иқтидорли ўқувчиларда мулоҳаза юритишнинг мустақиллиги, когнитив эгоцентризм, мукаммалликка интилиш, етакчилик, тенгдошлар билан ўзаро муносабатларнинг рақобатбардош шаклларига интилиш, одамлар ва ҳодисаларни баҳолашда, ўзига ва бошқаларга талабларнинг кучайиши, ҳар қандай адолатсизликни рад этиш, муваффақиятсизлик қўрқуви, ҳақиқий ва хаёлий хавф каби фазилатлар одатий, ҳамма учун яратилган оддий муносабатлар билан ҳар доим мувофиқланмайди.

Америкалик олимлар томонидан 400 га яқин таниқли одамларнинг таржимаи ҳоли ўрганиб чиқилганда улардан 60 фоизи мактаб таълими даврида жиддий муаммоларга дуч келганликлари аниқланди [3]. Актуал ва потенциал қобилияtlар тушунчасининг мавжудлиги ривожланиши олдиндан башорат қилиш муаммосини муҳим деб ҳисоблайди. Т.Эдисон тўлиқ “ўртамиёналиги” туфайли мактабдан ҳайдалган, В. Черчилл сурункали равишда синфда охиргидан олдинги ўқувчи бўлган, 14 ёшида Й. Либиг қобилиятсизлиги сабабли мактабни тарқ этган. Ўзлаштирмаған мактаб ўқувчилари рўйхатига А. Швайцер ва А. Эйнштейнларнинг исмлари киритилган [3. Б. 15].

Педагогик муаммо: Истеъдодли ўқувчиларни мавжуд мактаб муҳитига мослаштириш стратегиясиغا устунлик бериш керакми ёки ностандарт ўқувчиларни ривожлантириш ва улар билан мулоқот қилишнинг маҳсус усусларини топиш учун индивидуал стратегияни танлаш керакми?

Элита таълимининг замонавий тадқиқотчиси В.М.Лобзаров элита ва элита таълимини ажратиб, элита таълими тор доирадаги болаларни тарбиялаш сифатида қаралишини таъкидлайди. Элита таълими ўқувчиларнинг қобилияти ва истеъдоди, уларнинг маънавий ўзини ўзи ривожлантириш ва ижодий ўзини намоён қилишнинг юқори даражаси бўлган энг юқори даражадаги таълим сифатида талқин этилади. Кўпгина муаллифлар элита ва элита таълимини бирлаштириб, уни тенглик (тенг, қулай) билан таққослайдилар [4].

Иқтидорли ўқувчилар муаммоси хориж ва республикамизнинг қатор психолог ва педагог олимлари А.Н. Колмогоров, Б.В. Гнеденко, А.М. Матюшкин, В.А. Крутецкий, В.Л. Юркович, И.Я. Капунович, Н.С. Лейтес, В.И. Панов, Дж. Рензули, С.Л. Рубинштейн, А.И. Савенков, М.А. Холодная, В.Д. Ҳадриков ва У. Юлдашев, Р. Боқиев, Т.Т. Азларов, З. Йулдашев, Ф. Зокирова, А. Абдуқодиров, Б. Болтаев ва бошқалар тадқиқотларида баён этилган [5].

Алоҳида таълимнинг афзалликларига қарамай, кўплаб муаллифлар иқтидорли болалар учун алоҳида таълимнинг камчиликларини таъкидлайдилар. Д.Б. Богоявленскаянинг сўзларига кўра, иқтидорли бола оддий ўрта мактабни тарқ этганда, ўртача ўқув кўрсаткичлари ва унинг олдинги синфининг интеллектуал даражаси сезиларли даражада камаяди [6]. Янги синфда юқори рақобат туфайли боланинг ўзи ҳам ривожланиш даражаси пасайиб кетиши мумкин, бу унинг психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши, ақлий ва ҳиссий ортиқча юкларга олиб келиши ва умидсизликка олиб келиши мумкин.

Агар иқтидорли ўқувчи ҳали ҳам умумий таълим мактабида қолса, уни таълим муҳитига тўлиқ киритиш учун таълимни индивидуаллаштириш ва

дифференциаллаштириш тамойилига асосланган педагогик ишнинг маҳсус стратегиялари ва ташкилий шакллари керак.

Олим, педагог, амалиётчилар кучи бирлашганида истеъододли болаларнинг тўла ривожланиши учун шароит яратиш мумкин. Иқтидорнинг намоён бўлиши учун болани ёки унинг тиришқоқлиги, мақсадга интилувчанлиги, ирода сифатларини рағбатлантириш лозим. Айнан рағбат ва қунт билан меҳнатнинг иқтидор билан уйғунлашуви унинг қобилияtlари рўёбга чиқариш имконини беради [7].

Кўпгина назариётчилар ва амалиётчилар жуда эрта ихтисослашувни танқид қиласидилар, чунки бу боланинг умумий ривожланишига зарап етказиши мумкин. Бундан ташқари, глобал иқтидорли болаларнинг ҳаммаси ҳам билимнинг маҳсус соҳасига етарлича эрта қизиқиш билдиrmайди. Улар кенг кўламли қизиқишларга эга.

Иқтидорли болалар билан ишлашнинг сўнгги йиллардаги тажрибаси кўrsatiшича, мактаб таълими ва тарбиясига анъанавий қабул улғаётган шахс ижодий салоҳиятини ривожлантириш вазифасидан йироқ. Оддий қузатувлар бутун таълим тизимини бирданига қайта қуришнинг, ўқитувчиларнинг мактабга гоҳо кўплаб қийинчиликлар олиб келадиган “ностандарт” болаларга муносабатини ўзгартиришнинг нақадар мураккаб ва мушкуллигини яққол кўрсатади. Иқтидорли болада ўзини четга олиш, ўз имкониятларини ниқоблаш синдромини шакллантирувчи механизmlар босқичма-босқич намоён бўлади.

Иқтидорли болалар учун таълим жараёнини ташкил этишнинг турли хил дифференциал шаклларидан фойдаланиш фақат ўқитишининг мазмуни ва усулларини ўзгартирганда самарали бўлади. Иқтидорли болаларни ўқитишининг етакчи усулларини В.С. Юркович, В.С. Ротенберг, А.И. Савенков ва бошқалар каби тадқиқотчилар тадқиқ этганлар [8].

Мактаб ўқувчилари билан педагогик иш шакллари асосида иқтидорли болалар билан ўзаро муносабатларнинг қуйидаги стратегиялари ётади:

- иқтидорли болалар учун маҳсус таълим дастурларини ишлаб чиқиши;
- иқтидорли болани сезиларли даражада қўллаб-қувватлаш;
- иқтидорли боланинг таълим мазмунини мувофиқлаштириш.

Истеъодод ва истеъодони ривожлантириш даражаси, сифат жиҳатидан ўзига хослиги ва табиати ҳар доим ирсият (табиий мойиллик) ва боланинг фаолияти (ўйин, когнитив, меҳнат) билан боғлиқ ижтимоий-маданий муҳитнинг мураккаб ўзаро таъсири натижасидир. Шу билан бирга, ўқувчининг ўз фаолияти, шунингдек, индивидуал истеъодони шакллантириш ва амалга ошириш асосида ётган шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш механизmlари алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчидаги иқтидор ва истеъодод – шахснинг ҳаёт йўлининг кейинги босқичларига нисбатан ақлий ривожланиш салоҳияти. Ушбу салоҳиятни рўёбга чиқариш учун иқтидорли ва ижодий фикрлайдиган болаларни шакллантириш учун қулай ва бой ривожланиш муҳитини яратиш керак.

Мамлакатимизда иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш, болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа

ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорт мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилди[9].

Янги Ўзбекистон таълим тизимида мактаб ўқувчиларнинг ўзи қизиқсан фанларни чукур ўрганишига шароит яратиш, иқтидорли ўқувчилар билан мақсадли ишлаш учун умумий ўрта таълим мактабининг **7-, 8- ва 9-синфларида ҳам танлов синфини ташкил этиш ва** вариатив ўқув тизимига ўтиш жорий этилди [10].

Таъкидлаш жозки, иқтидорли ўқувчиларни ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш учун таълим тизимининг асосий шахси сифатида ўқитувчининг фаолиятини қайта қуриш, унинг шахсий устуворликларини, касбий позицияларини ва ваколатларини ўзгартириш керак.

Хулоса. Иқтидорли болалар билан педагогик фаолият кўп қиррали бўлиб, илфор индивидуаллаштирилган таълимни ташкил этиш, меҳнат объектларига эмас, балки алоҳида эҳтиёжли ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув фаолиятини моделлаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Одарённые дети – образовательный вызов XXI века: сб. статей / под общ. ред. С.В. Жолована, под науч. ред. Л.М. Ванюшкиной. – Вып. 1. – СПб.: СПбАППО, 2014. – 70 с
2. Ярматов Р.Б. Иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати Тошкент – 2017.
3. Vollmar G. Knowledge Gardening. Wissensarbeit in intelligenten Organisationen / G. Vollmar. – Bielefeld. 2007. – S. 113.
4. Лобзаров В.М. Развитие элитного образования в России XVIII - XX вв. – М., 2008.
5. Абдуллаева М.М. Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Чирчиқ – 2019 йил
6. Рабочая концепция одарённости. /Богоявленская Д.Б. и др. – 2-е изд., расш. и перераб. – М.: Министерство образования Российской Федерации. Федеральная целевая программа «Одарённые дети», 2003. – 95 с
7. Умумий психология. Н.В. Петровский ва бошқалар. Тошкент, «Ўқитувчи» – 1992 йил.
8. Рубцова Л.Н., Жуйкова Е.А. Проблемный педагогический совет по теме: «Одарённость: миф или реальность?» // Управление современной школой. Завуч. – Москва, 2012. – №7. – С. 66–84.
9. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратгеяси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 38.
10. <https://lex.uz/ru/docs/5085887>.